



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 24-noyabr. Seshanba

137 (32.040)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

**8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАН КҮН**

БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНING
ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД-
ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ
ҚҲМИТАСИ ТОМОНИДАН
«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ —
ДЕМОКРАТИК
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСИ»
МАВЗУСИДА ДАВРА
СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.**

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА

**миллий ва умумбашарий
қадриятларнинг
ифодаланиши**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар рўй берди, хусусан, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида оламшумул ишлар амалга оширилди. Ушбу ислохотларнинг ҳуқуқий кафолати сифатида қабул қилинган ҳамда бугун 23 йиллиги нишонланаётган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда мукаммал миллий ҳуқуқий тизим шаклланишига асос бўлди. Тўла ишонч билан айтиш мумкин, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эришилган, асрга татиғлик ютуқлар, аввало, Бош қомусимизда белгиланган мақсад ва принциплар билан узвий боғлиқдир.

Турмушимизда Конституциянинг ҳаётбахш кучи, барқарорлаштирувчи таъсири кундан-кунга ортиб бормоқда. Шак-шубҳасиз, асосий қонунимиз жамиятни бирлаштирувчи, кенг оммани ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантирувчи муҳим омилга айланган. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий тараққиётни янада тезлаштиради.

► Давоми 3-бетда.

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА

Хабарингиз бор, жорий йил 3 декабрь куни Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Унда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ муҳим масалалар, шунингдек, бир қатор қонунлар муҳокама қилиниши кутилмоқда.



Жиззах шаҳридаги «Пластик» Ўзбекистон — Буюк-Британия қўшма корхонасида йилига 13 минг тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланиб, калава-ип ва тайёр газлама ишлаб чиқарилмоқда.

Бандлик дастури ортида

инсон манфаати, минглаб ёшларимиз тақдири турибди

Хусусан, Сенат аъзолари парламент қуёи палатаси қабул қилган 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқиши режалаштирилган. Келгуси йилда

992,7 минг кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилганини ҳисобга олсак, бандлик дастуридан халқимиз, мамлакатимиздаги ҳар бир оиланинг манфаатдорлиги, ушбу дастур, айниқса, таълим

муассасаларини тамомлайдиган минг-минглаб ёшларимизнинг келажаги, тақдири билан боғлиқ экани аён бўлади.

► Давоми 2-бетда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида халқ депутатлари Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳларида 18 масала, доимий комиссияларда 3 масала кўриб чиқилди, 3 масала сессияга киритилди.

ЎзХДП Хоразм вилоят ҳудудий кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан 250 мурожаат бўлган. Уларнинг 80 фоиздан ортиги ижобий ҳал этилди. Қолганлари назоратга олинган.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

Шокир Шоназаров,

Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси:

— Шу йилнинг 3 декабрь куни бўлиб ўтайдиган Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги йиғилишида «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилар экан. Ушбу қонун ҳақида маълумот олишни истардим.

**Нўмон
АКБАРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:**



— «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонун давлат органларининг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва ривожлантириш бўйи-

ча устувор вазифаларни амалга ошириш, электрон ҳукумат тизimini такомиллаштиришга қаратилган.

Қонун электрон ҳукумат принциплари, уларни бошқариш тартиби, шунингдек, ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

Қонуннинг асосий мақсади ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш асосида давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, электрон давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини мақбуллаштириш, электрон давлат хизматларининг сифати ва улардан фойдаланиш қулайлигини ошириш,

процедураларни соддалаштириш ва уларни кўрсатиш мuddатларини қисқартиришдир. Шунингдек, давлат хизматларини кўрсатилиши билан боғлиқ маъмурий харажатларни камайтириш, давлат органларининг ахборот маълумотлар базаларини шакллантириш, давлат бошқаруви тизимида «ягона ойна» принципини жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат тизимидан фойдаланишига қулай шароит яратиш ҳисобланади.

Давлат органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот ҳамкорлиги фойдаланувчиларга электрон шаклда маълумотлар алмашиш имкониятларини тақдим этиш, интеграциялашган электрон давлат хизматларидан фойдаланиш, шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, ушбу қонун давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришга, аҳолига қулай имкониятлар яратишга хизмат қилиши кутилмоқда.

депутатлар томонидан асослаб берилди.

— Таклифимиз яқинда доимий комиссия йиғилишида муҳокама этилди ва уни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилинди, — дейди **Зафаробод туман кенгаши раиси Холмурод Ережепов**. — Бу эса электротар манфаатларини ҳимоялаш бўйича партияимиз позицияси ва дастурий мақсадлари амалга ошишига хизмат қилади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП гуруҳлари фаолиятидан

Таклифлар инобатга олинди

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда электротар манфаатларига дахлдор ҳаётий таклиф ва ташаббусларни илгари суришяпти. Шу орқали тегишли доимий комиссияларда, сес-

сияларда одамларни ўйлантирадиган муҳим масалалар муҳокама этилмоқда.

Зафаробод тумани «Бўстон» маҳалласида истиқомат қилаётган бир неча оилаларнинг вакиллари ЎзХДП туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига ижтимоий нафақа

олишда кўмак сўраб мурожаат қилишди. Масала ўрганилгач, партия гуруҳи Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорлиқни ривожлантириш масалалари доимий комиссиясига таклиф билан чикди. Ташаббус

ЎзХДП ФАОЛЛАРИ

Ишонч ва масъулият

ҲАР БИР СОҲАНИНГ ЎЗ ФИДОЙИЛАРИ, АТРОФДАГИЛАРГА ЎРНАК БЎЛАДИГАН ИНСОНЛАРИ БОР. УЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАСИ, БОСИБ ЎТГАН ЙЎЛЛАРИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТИЗИМИДА ҲАМ АНА ШУНДАЙ ИНСОНЛАР КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. КАСБИГА МЕҲР ҚЎЙГАН, ҲАР БИР ЎЗГАРИШГА МУНОСИБ БАҲО БЕРИБ, ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРА ОЛАДИГАН ОДАМЛАР ЧИН МАЪНОДА ҲУРМАТГА, ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ. ЯҚИНДА УЛАРНИНГ БИР ГУРУҲИ НОМЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ «ЭЪТИРОМ» КИТОБИГА КИРИТИЛДИ.



**Латифжон
МАНСУРОВ,**
Ўзбекистон ХДП
Юқори Чирчиқ
туман кенгаши
раиси, «Дўстлик»
ордени соҳиби:

— Бугунги одамлар кечагидан фарқ қилади. Уларнинг қизиқишлари, дунёқараши тубдан ўзгарган. Эндиликда умумий гаплар билан одамлар кўнглига йўл топиб бўлмайди. Демак, биздан аниқ мақсадга йўналтирилган таклифлар айтиш талаб қилинади. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг таъсир кучи ортиб бораётган ҳозирги шароитда бу, айниқса, жуда муҳимдир.

Фаолиятимиз давомида кўплаб қишлоқ ва маҳаллаларда тадбирлар, учрашувлар ўтказамиз. Уларда қонунчилигимизга киритилаётган ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенгроқ тушунча беришга ҳаракат қиламиз. Чунки мамлакат фуқаролари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билса, ўша ерда ривожланиш, тараққиёт бўлади. Шунинг учун ҳар бир воқеа-ҳодиса юзасидан аҳолига керакли маълумотларни бериб борамиз.


Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДПнинг пленумида иштирок этдим. Фаолиятим учун зарур бўлган тавсияларга эга бўлдим. Унда маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича атрофлича сўз борди.

Очиги, пленум давомида айтилган гаплар, таклифлардан келиб чиқиб, ўзим ҳам янги режалар ҳақида ўйладим. Ҳозир ишимизни янада кучайтириш, аъзолар билан мулоқотларни таъсирчан тарзда ўтказиш ҳаракатидамиз.

Туманимизда 34 бошланғич ташкилот фаолият юритади. Туман Кенгашидаги 26 нафар депутатнинг 13 нафари ЎзХДП аъзолари. Кўриб турибдики, тарғибот ишларини кучайтириш, одамлар билан очиқ мулоқотлар ташкил этиш, уларнинг қалбига йўл топишда етарли имкониятга эгамиз. Биз бундан самарали фойдаланиб, ишимизни янада кучайтиришимиз, сафимизни салоҳиятли кадрлар билан бойитиб боришимиз зарур.

www.uzbekistonovozi.uz

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



**Демократик ислохотларда
фаол иштирок этиш**
ва она юртимиз буюк келажаги йўлида хизмат
қилиш энг олий саодатдир



**Аҳоли бандлигини
таъминлаш: ўзгаришлар ва
янги имкониятлар**

ХУШХАБАР

Дзюдочиларимиз
совриндорлар сафида

Циндао (Хитой)да дзюдо бўйича Гран-При туркумидаги йирик халқаро турнир якунланди. Дунёнинг эллик тўққиз давлатидан 373 нафар спортчи иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз ҳам муносиб қатнашди. Унда Шарофиддин Лутфуллаев (60 кг) саралаш баҳсларида Хитой ва Канада дзюдочиларини мағлуб этиб, Голландия вакилига имкониятни бой берди. Шундан сўнг, истеъдодли полвонимиз бронза медали учун кечган беллашуларда Мўғулистон ҳамда Қозоғистон вакиллари билан, учинчи ўринни эгаллади. Яна бир дзюдочимиз Мирали Шарипов (73 кг) эса саралаш баҳсларида Куба ва Бирлашган Араб Амириклар вакиллари билан, белгиялик полвонга имкониятни бой берди. Учунчи ўрин учун ўтган баҳсларда муваффақият қозongan Мирали дастлаб қозоғистонлик рақибини мағлубиятга учратди. Бронза медали тақдирини ҳал этган учрашувда эса у ўз жамоадoshi Гийёсжон Бобоевдан устун келди.

Эркин ХОЛБОБО

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ!

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун метро ҳар томонлама қулай транспорт воситаси. Ер ости йўлида йўловчиларга зарур шароит яратиш ҳамда улар хавфсизлиги борасида бир қатор ишлар олиб бориляпти. Жумладан, метрополи-тенда ёнғинларнинг олдини олиш масаласига алоҳида ёндашилмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур йўналишга маъсул хизматлар томонидан кечаю кундуз навбатчилик ташкил қилиниб, хушёрлик оширилган.

Ёнғиндан сақланинг

Тошкент метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан йил бошидан буён метрополитен объектлари, бекатларида ва электро деполарида хизматчи-ходимлар билан учрашувлар, ёнғин ўчириш воситаларида фойдаланиш қоидалари бўйича йўриқнома-лар берилмоқда ҳамда суҳбатлар ўтказилмоқда. Метрополитен ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналари билан ҳамкорликда амалий-тактик машғуллар ташкил қилмоқда. Ана шу жараёнда метрополитен бекатлари ва электро деполарнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб қилиб, қамчиликларни бар-тафари этиш учун ёзма кўрсатмалар тақдим этилмоқда.

Хар биримиз йўловчи сифатида жамоат транс-портида ҳаракатланиш қоидаларига ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилишимиз зарур. Бу ҳар бир фуқароннинг бурчи ҳисобланади.

Маъмур ХАЙДАРОВ,
Тошкент метрополитенини қўриқлаш бўйича
ИИБ ЁХБ инспектори, сержант.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, амалга оширишга демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнини босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ҳамда уларни кўлаб-қувватлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотариот ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўлаб-қувватлаш жамоат фонди қўмағида ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга 2015 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 декабрга қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши таъминлаш, шахсини ҳар томонлама қамол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок эти-

ши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади. Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим. Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва босма нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусха-

да тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида) қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар қайтарилмайди.

ТАНЛОВ ҲОЛИБЛАРИГА
МУКОФОТЛАР

Ҳолиблар диплом ва компьютер жамланмасы, телевизор, планшет ва бошқа қўм-матбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловга мустақил босма Ўзбекистон давлат ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2015 йил 4 декабрга қадар қўйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 2-қават, 45-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@mail.ru.

Ташкилий қўмита.

«Фозил жамият ва фозил шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолиси бўлган ҳар бир одам касб-ҳунар билан шуғулланади».

РУҲИЯТ ТАРБИЯСИ

МЕҲНАТ ИНСОННИ

муҳтожликдан халос этади



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Халқимиз азал-азалдан меҳнаткаш инсонларни улуғлаган. Ота-боболаримиз инсоннинг турмуши тўқис, фаровон бўлиши учун у ҳалол меҳнат қилиши зарурлигини ўқитишган.

Ҳаётни қузаб: «Қанчалик тиришқоқлик билан сидқидилдан меҳнат қилсанг, шунчалик омадли бўлиб борасан», — деган фикрнинг нақадар тўғрилигига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳар бир одам жамиятдаги ўрнини фидойи меҳнати билан забот этади. Улуғ алломаларнинг таъкидлашича, ҳаёда учраши мумкин бўлган инчинчиликларни фақат бир йўл — меҳнат билан енгиб ўтса бўлади. Шунингдек, меҳнат инсон мавқеини юксалтиради.

Донишмандлардан бири айтганидек: «Одамни ҳеч нарса меҳнатчилик биландлик-ка кўтармайди. Одам меҳнатсиз ўз инсоний кадр-кимматини сақлай олмайди». Фақат меҳнатгина инсон ҳаётига мазмун бағишлайди. Психологларнинг кузатишича, инсон буюк мақсадлар билан яшама-са, эзгу, хайрли ишлар қилиш-га интилмаса, унинг қалбини майда нарсалар эгаллаб олар экан. Ўз навбатида бундай

одамларда ирода ҳам заифлашади.

Кайковус ўзининг «Қобуснома»сида ёзади: «Эй фарзанд, огоҳ бўлким, ҳунарсиз киши ҳамма вақт фойдасиз бўлур ва ҳеч кимга фойдаси тегмайди... Агар киши олий насаб, асл бўлса-ю, ҳунари бўлмаса, халойикнинг иззат ва ҳурматидан маҳрум бўлади...»

Микдом (р.а.) ривоят қилади: «Расулulloх (с.а.в): «Ҳеч ким ўз қўли билан топган ризқдан кўра лаззатлироқ таом емаган. Оллоҳнинг пайгамбари Довуд алайҳиссалом ҳам ўз меҳнати билан тиричилик қилганлар», — дедилар. Анас (р.а.) ривоят қилади: «Расулulloх саллаллоху алайҳи васаллам: «Қайси бир мусулмон бирор дарахт ёхуд бирор экин экса-ю, унинг ҳосилидан инсон, қуш ёки ҳайвон еса, бунинг учун унга ажру савоб ато этилур», — деб марҳамат қилдилар.

Дарҳақиқат, фақат меҳнатгина инсоннинг қалбига тинчлик, мутаносиблик ва ўзидан қаноат туйғусини олиб киради. Мактабда ўқиб юрган-имда муаллимларим бир гапни кўп такрорларди: агар сиз бирор касб танласангиз ва унга ўзингизни бахш этсангиз, бахтнинг ўзи сизни излаб келади. Аслида ҳам инсон қилаётган ишини севса, ҳатто энг оғир меҳнат ҳам ижода айланади. Чунки ҳеч қандай галаба машаққатсиз қўлга киритилмайди. Буни мана бу фикрлар ҳам тасдиқлайди. «Меҳнат инсонни зериктиш, қусур, муҳтожлик илатидан халос этади».

Файласуфлар бахтли бўлишнинг қуйидаги йўллари билан илгари сурди: Кўнглинг гаш бўлса ишла, бу гамдан қутулишинг ягона воситасидир. Иштиробга тушмаслик учун ишла: ишдан бошқа ҳеч нарса бу гамнок бўлишдан сени халос этолмайди. Омадинг юришганда ҳам ишлайвер: омадли одамлар уй-қудан эрта туриб, иш қунига бироз вақт қўшиб, ўз орзуларига садокатини намоён қилиш мақсадида тинимсиз меҳнат қил-

ган вақтда унинг атрофидаги-лар ё телевизор томоша қилиш-ган ёки ухлаган бўлади. Бу вақтда эса омадли инсонлар ўз исмларини тарихга ёзиб, етарли маънавий бойлик яратишга улгуришади...

Абу Наср Фаробий ўзининг «Рисола фи-т танбиҳ асбоб ас-саодат» (Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола) асарида шундай ёзади: «Фозил жамият ва фозил шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолиси бўлган ҳар бир одам касб-ҳунар билан шуғулланади».

Меҳнат — ҳурсандчилик ва илҳом манбаи. Қадимги юнон донишманди Эпиктетни эслайлик: «Машқ орқали шакллани-ган ҳар қандай одат зўрайиб ва мустаҳкамланиб боради. Масалан, эпчил бўлиш учун тез-тез ва кўп юриш керак, чопқир бўлиш учун кўп чопиш керак...»

Тажиба шунинг кўрсатадики, ҳар қандай ҳаракат бошида қийинчилик билан амалга оширилади. Иккинчи марта енглироқ ва кейинчалик эса кам куч сарфланади. Руҳшўносларнинг ёзишича, ҳар қуни қандайдир ҳаракатни амалга ошириш, ўз устида ишлаш инсон иродасини чиниктириб, уни буюк манзиллар томон етаклайди.

Дунё илм-фани тарихига назар ташлайдиган бўлсак тизимли ва тинимсиз меҳнатсиз ҳеч қандай кашфиёт ёки ихтиро амалга оширилмаган.

Тарихдан маълумки, ота-боболаримиз бизга жуда катта маънавий, маданий, илмий ме-рос қолдиришган. Бугунги одамларнинг ақли бовар қилмайдиган бу умуминсоний кашфиётлар замирида ҳам жуда катта меҳнат, заҳмат мужассамлаш-ган.

Ватанга хизмат қилиш, келажак авлодлар учун ни-мадир қолдириш йўлида фидойилик, интилиш, яратилиш мақсади билан яшаш инсон маънавиятининг энг юксак чўққиларида биридир.

Исроил ХАЙРИЕВ,
педагогика фанлари
номзоди, доцент.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Чуст туманида Мудофаа вази-рини Шарқий ҳарбий округ қўшин-лари қўмондонлигининг ҳарбий хиз-матчилари учун бунёд этилган кўп қаватли тураржой биноси фойдала-нишга топширилди.

ҲАРБИЙЛАРГА
ЯНГИ УЙЛАР

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Мудофаа ва-зирлиги Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги раҳбария-ти, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, фахрийлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур ҳарбий қисм хизматчи-лари учун ўтган йили ҳам битта кўп қаватли уй қуриб, фойдаланишга топширилган эди. Унинг рўпараси-да қад ростлаган мазкур 48 хона-донли уй ҳам бу борада изчил иш-лар давом эттирилётганини кўрса-тади.

Мудофаа вазири ўринбосари, полковник Музаффар Солиев, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, полковник Рустам Халилов томони-дан янги уй қалитлари сержант ва офицерлар оилаларига тантанали ра-вишда топширилди.

Икки ва уч хоналардан иборат бу уйда барча зарур шарт-шароитлар, яратилган. Хар бир хонадон маиший рўзгор буюмлари билан жиҳозлан-ган. Ҳовлида болалар спорт майдон-часи...

— Бундай гамхўрликлар учун Президентимиздан чексиз миннат-дормиз, — дейди янги хонадон со-ҳиб, вазод командирини, майор Жамшид Равшанбековнинг турмуш ўртоғи Нафиса Равшанбекова. — Ватан ҳимоячиларига қўрсатилаёт-ган бундай эътибор уларнинг оила аъзолари қалбига ҳам фахр-ифти-хор туйғуларини уйғотади.

Табрида янги уй соҳибларига туман ҳокимлигининг совғалари топ-ширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»



ТУЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ
Манзил: Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 110-уй.
Мўлжал: Телевизион минора қаршида.
Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.
www.sardor-avto.uz
Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

MUASSIS:
O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1159
10529
nuxxada
bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5